



Эркин юрт

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг расмий нашри
Мулоқот учун E-mail: erkinyurt@uzxalqharakati.com

#19 02.03.2012

КАРИМОВ - ҚОТИЛ!!!

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲАРАКАТИ ИСТАНБУЛДА НАМОЙИШ ЎТКАЗДИ



2012 йилнинг 2 март жума куни Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ташаббуси билан Истанбул Тақсимдаги Швеция консуллиги биноси ёнида намоийш ўтказилди. Намойишда мухожиротда бўлган Ўзбекистонлик мусулмонлар, Туркиялик бир неча жамоатчи ташкилот раҳбарлари ҳамда бир неча араб мамлакатларидан келган мусулмон диндорлар иштирок этишди.

Намоийшчилар Швеция давлатидан Ўзбекистонлик таниқли имом Обидхон Қори Назаровга уюштирилган суиқасд ижрочилари ва буюртмачиларининг тезроқ топилиши ва одилона жазоланишини талаб этдилар. Консуллик расмий вакилларига ушбу талаблар битилган мактуб топширдилар. Қуйида ушбу мактуб матнини келтирамиз:

Швеция бош вазири жаноб Фредрик Рейнфелдга

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати Туркия бўлими мурожаати

2 март, 2012 йил
2012 йилнинг 22 феврал куни кундузи соат тахминан 12:30 да Швециянинг Стрёмсунд шаҳрида 54 ёшли имом Обидхон қори Назаровнинг ҳаётига суиқасд уюштирилди. Ҳозирда имом Умео шаҳридаги тиббий даргоҳларнинг бирида оғир аҳволда қолмоқда.

Имом Обидхон Назаров - Марказий Осиёдаги энг машҳур имомлардан бири. У Ўзбекистон мусулмонлари диний ҳуқуқларини мунтазам тарзда ҳимоя қилиб келган ва бу нарса уни расмий Тошкент учун нишонга айлантирган. Махаллий ва халқаро инсон ҳуқуқлари ташкилотларининг ҳисоботларига

кўра, “террорчи”, “экстремист” ва “халқ душмани” ёриқлари ёпиштирилган сиёсатчилар, инсон ҳуқуқлари фаоллари, журналистлар ва ўн минглаб диндорлардан иборат режим мухолифлари турли сохталаштирилган айбловлар билан қидирувга берилган, судланган, ўғирланган ёхуд йўқ қилинган. Бунинг охириги мисолларидан бири сифатида режим танкидчиси ва расмий Тошкентга мухолиф Ўзбекистон Халқ Ҳаракати фаоли Фуад Рустамхўжаевнинг Россиянинг Иваново шаҳрида жойлашган ўз уйи кириш эшиги олдида 2011 йил 24 сентябр куни ўлдрилиши ҳамда “Эрк” партияси етакчиси Муҳаммад Солиҳга қарши 2011 йил декабрида уюштирилган навбатдаги суиқасд уринишининг батараф этилишини эслаб ўтиш мумкин.

Имом Обидхон қори амалдаги ҳукуматга қарши кишиларни ҳамиша қаршилиқ кўрсатишнинг фақат тинч йўлларига қақриб келган. У ўзи ва оила аъзолари режим қурбонлари бўлганига қарамай, доимо мулоқот ва келишув учун очик эди. Ушбу жиноятнинг амалга оширувчилари, ташкилотчилари ва буюртмачилари имомга қарши бу суиқасдлари билан нафақат таниқли Ислому даъватчиларидан бирини ўлдирмоқчи, балки ўз маърузаларида мазлум ўзбек халқининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилган Ўзбекистондаги диктатура режими кучли мухолифларидан бирининг ҳақиқат овозини ўчирмоқчи бўлишди. Бугунги кунда Швед полиция бошқармаси ва Хавфсизлик хизмати тергов-қидирув ишларини олиб бормоқда, аммо ҳозирданок ишонч

билан айтса бўладики, имом Обидхон қори Назаровга қарши бу суиқасд фақатгина ўз мухолифларини жисмонан йўқотиш ниятларини ҳеч қачон яширмаган ўзбек режими учун манфаатлидир. Бу жиноят кўрқитиш акти ва сиёсий қотилликка уриниш, яъни халқаро террорчилик акти ва ўзгача фикрни бостириш услуби сифатида баҳоланиши лозим. Ўзбекистон МХХ раисининг биринчи ўринбосари Шухрат Ғуломов берган баёнот бунинг яққол далилидир. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Минтакавий аксилтеррор тизими кенгаши қидирувга берилиши, ҳибс этилиши ва йўқотилиши лозим бўлган халқаро террорчилар рўйхатини тасдиқлади. Бу рўйхат тўлалигича Каримов режимига мухолиф бўлган Ислому олимлари ҳамда оддий мусулмонлардан тузилгандир. Биз, Швециядаги ўзбек диаспораси ташаббус гуруҳи вакиллари Сизлардан бу жиноятни безътибор қолдирмаслиқни илтимос қиламиз. Аминмизки, Ўзбекистон махсус хизматлари хориждаги, айнисса Швециядаги ўзбек диаспораси ичига аллақачон ўз жосусларини киритган ва гуруҳлар ташкил этган. Бу хавотирлардан келиб чиққан ҳолда биз Сизлардан қуйидагиларни талаб этамиз:

1. Ушбу жиноятнинг амалга оширувчилари, ташкилотчилари ва буюртмачилари топилиши ва қонунан жазоланиши даркор;
2. Тергов халқаро даражада, БМТ, ЕХХТ каби халқаро ташкилотлар ҳамда Европа Иттифоқи ва АҚШ иштирокида ўтказилиши ва назорат қилиниши керак;
3. Европа Иттифоқи ва ЕХХТ доирасида Ўзбекистон ҳукумати билан алоқалар қайта кўриб чиқилиши лозим;
4. Европа Иттифоқи, АҚШ ва бошқа давлатлар уларнинг ҳудудларида Ўзбекистон МХХ олиб бораётган халқаро террорчилик фаолиятига қатъий муносабат билдириши зарур;
5. Имом Обидхон қори Назаров соғайиб, қасалхонадан чиққанидан кейин унинг ва оиласининг ҳимояси кучайтирилиши ва шу билан бир қаторда Европа Иттифоқи ҳудудидаги сиёсий фаол қочқинлар ва уларнинг оилалари хавфсизлигига нисбатан муносабат қайта кўриб чиқилиши лозим.

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати

ФИКТИВНЫЙ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬ И ЕГО ВЫСОКОПОСТАВЛЕННЫЙ КРЫШЕВАТЕЛЬ (2)



(Продолжение.

Начало в “Эркин Юрт” №9)

«Заказчик поручает, а Исполнитель обязуется подготовить и осуществить выпуск бланков, журналов, брошюр и другой деловой документации различных видов и форматов по предъявленным образцам; Исполнитель обязуется начать выполнение работ после утверждения образца деловой документации. Осуществляет весь цикл работ по изготовлению заказанной продукции и выдавать Ассоциации полностью готовую к делопроизводству продукцию». Мы привели выдержку из текста одного из Договоров между «Узгосхлопкопромсбыт» и ЧНУПКП «АКВАР-AZIZIY». Данный Договор подписан и утвержден 15-февраля 1999 г. «Узгосхлопкопромсбыт» поручает, а ЧНУПКП «АКВАР-AZIZIY» в маске «ИСПОЛНИТЕЛЯ» обязуется: «подготовить и осуществить выпуск»; «начать выполнение работ»; «осуществлять весь цикл работ по изготовлению»; «выдавать полностью готовую к делопроизводству продукцию». Получая в режиме предоплаты предусмотренную сумму по высокой цене продукции, ЧНУПКП «АКВАР-AZIZIY» снимает свою маску «ИСПОЛНИТЕЛЯ» и надевает маску «ЗАКАЗЧИКА». Поручает АП «Ташполиграфкомбинат» изготовить бланки и журналы деловой документации и назначает десятки раз низкую цену. Годами безнаказанно осуществлялся банковский захват денег под маской бизнеса.

Юридическую квалификацию преступления финансового распорядителя ЧНУПКП «АКВАР-AZIZIY» ФАТТАХОВА А.А. оставим специалистам. Но участников этой крупной финансовой махинации невозможно ограничить только им. Он один не смог бы развернуть

такую игру. Мы не исключаем личных материальных интересов отдельных руководителей «Узгосхлопкопромсбыт» и «Ташполиграфкомбинат», промпредприятий, вступивших в договорные отношения с ЧНУПКП «АКВАР-AZIZIY». Но главное в этой махинации – наличие высокопоставленного крышевателя. В октябре 1999 года мы устроили в кафе «Ширин» в центре Ташкента семейное застолье в честь нашего единственного сына. По инициативе ФАТТАХОВА А.А. на наше застолье пригласили высокопоставленных гостей, список которых составил сам ФАТТАХОВ. Среди присутствовавших на застолье гостей был некий ИМИНОВ ТАХИРЖОН КАРИМОВИЧ. Когда у своего мужа Негманова Ф., ныне покойного, спросила кто он такой, муж объяснил мне, что он большой человек, генерал, советник Президента, близкий друг Фаттахова, поддерживает «АКВАР-AZIZIY».

Тогда я не дала особого значения словам мужа. Но в августе 2000 года ФАТТАХОВ А.А., в одном из посещений нашего дома, при разговоре с моим мужем в моём присутствии жаловался на Тахиржона Каримовича, что мы зарабатывать деньги умеем, но большую часть денег у нас отбирает он как крышеватель.

После этого разговора мне стало ясно, кого имел в виду ФАТТАХОВ А.А., когда он, в ответ на предостережение моего мужа НЕГМАНОВА Ф. об опасности выполняемой ими работы, хвастался: «за мной стоят высокопоставленные люди, так что, никто не осмелится трогать». Подобную же фразу любила повторять в разговорах жена ФАТТАХОВА А.А. Гули, что «её мужа поддерживают очень влиятельные чиновники». Бизнес ФАТТАХОВА А.А. с самого начала построен на основе фарса. Статус юридического лица его бизнесу присвоен без подтверждения наличия базы, необходимой для исполнения функций, указанных в Уставе регистрируемых предприятий. ЧНУПКП «АКВАР-AZIZIY» и ТАШКЕНТ-12 на самом деле прошли государственную регистрацию и получили статус юридического лица без подтверждения самого факта их рождения. Именно этот самый

изначальный обман и привело к дальнейшему развитию финансовых махинаций, фарсов, фикций в бизнесе ФАТТАХОВА А.А. Огромное материальное богатство семьи Фаттаховых, накоплено путём махинаций и не может быть добром. Оно, это богатство, как и фиктивный бизнес есть настоящее зло.

Научная карьера ФАТТАХОВА А.А. также построена на фарсе. Среди работников Ташкентского экономического университета ходят разговоры, что фактическим автором докторской диссертации ФАТТАХОВА А.А. является профессор ФАТИХ АДИЛОВ и он получил за это у ФАТТАХОВА А.А. автомобиль марки NEXIA, принадлежащую ЧНУПКП «АКВАР-AZIZIY».

Без постоянного крышевания со стороны ИМИНОВА Т.К., фиктивный бизнес ФАТТАХОВА А.А., безусловно, не смогло бы родиться и найти своего развития. Но с другой стороны, честный работник не мог бы идти на крышевание зла.

В настоящее время ИМИНОВ Т.К. занимает пост Генерального директора страховой компании ALSKOM и пост Председателя Правления кредитного учреждения PORLOQ-KREDIT с уставным фондом 70,5 млн сумов. Поэтому я считаю, что крышевание является атрибутом коррупции и основным источником преступных доходов коррумпированных работников президентского аппарата и правоприменительных органов власти. Именно об этом свидетельствует отношение Генеральной Прокуратуры и других органов власти к моим многочисленным заявлениям и обращениям по данному вопросу. Здесь я хотела бы привести слова моего покойного мужа, который честно трудился директором ЧНУПКП «АКВАР-AZIZIY» в 1997 – 2005 гг.: «Узгосхлопкопромсбыт» грабили, грабят, будут грабить». От себя добавлю: грабят высокопоставленные коррумпированные крышеватели, они же «борются» против коррупции путём игнорирования правды, подавления искателей правды.

Продолжение следует.

ЧАМАНГУЛ НЕГМАНОВА,
бывший экономист ЧНУПКП
АКВАР-AZIZIY 28.02.2012, адрес:
г.Ташкент, Бектемирский район, ул.
А.Мина, д.56, т +998712952845

ИСЛОМ ВА МУСУЛМОНЛАР КУНИМИЗ ДУНЁСИГА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ АРАЛАШАДИЛАР?

“Ислом қандай қилиб аралашади?” сарлавҳа билан бошлашга мажбурмиз. Бироқ Ислом, жисмоний мавжуд бўлган бир қурилма ёки бирон киши (шахс) бўлмаганидан бирор иш ҳақида тақлиф қилиши ёки унга аралашуши мумкин бўлмайди. Исломда бўлган ва аралашадиган, унинг оламшумул хусусиятларини ўзида қамраган ва Ислом принципида иймон келтирган инсон (киши, одамзот)дир.

Мусулмонлар, бугунгача Ислом уларга нималар буюрганини ўзлаштириш ва яшашларини уларга мослаштириш учун бир қатор ҳаракатларда бўлдилар ва бугунга қадар шундай қилишга уриниб келадилар. Вақт ўтиши билан ўзгарган шароитлар ва эҳтиёжлар олдида Исломни янгидан англашга ҳам ҳаракат қилдилар. Бироқ, масалага ёндошиш тарзида муаммоли бир йўналиш ўзини кўрсатди. Қиёматгача бошқа бир пайғамбар ва китоб юборилмаслигини билдирган Қуръони каримда: “Бугун сизларга динингизни комил қилдим ...” (Моид сураси, 3-оят) дейилган ояти каримадаги каби тушунилса, ҳар бир даврнинг ҳар қандай эҳтиёжини ҳал этган ва ҳал этиш учун бошқа ҳеч бир шарт ва эҳтиёжларга ҳужжатлар қолмаган бир дин келганини кўраимиз. Дин (Ислом дини) барча саволларнинг жавобини ўз ичига олганидан, давр (қунлик ҳаёт)нинг эҳтиёжларига уйғун бўлган жавоблар Қуръони каримдан (ёки бошқа исломий манбалардан) чиқариларди. Шу сабабдан мусулмонлар, ўз муаммоларига ечимни Исломдан изладилар ва Ислом номидан сўзладилар. “Ислом мана шудир”, “Ислом шуни амр қилади”, дедилар. Шунинг оқибатида Ислом давлати, Ислом бошқаруви, Ислом иқтисоди ва бошқа шу каби таърифлар, атамалар қўлланила бошлади.

Шундай экан, Қуръони карим нозил бўлган, Расулulloҳ(сас) ва унинг саҳобалари яшаган замонда Ислом ҳар бир масалага, саволга жавоб бера олиши мумкин эди. Масалан, Исро сурасининг 106-оятда айтилгани сингари Қуръони карим, "... бўлиниб-бўлиниб нозил қилиниб", уларнинг эҳтиёж ва муаммоларини нишон олиб, уларнинг ечимлари ўргатилгандир. Ўша қунларнинг ҳавосини янгидан келтириш ва психологиясини янгидан яшатиш имкони бўлганига қўра, ўша даврлардан сўнгра яшаган мусулмонлар, ҳар бир ояти каримани ўқиганларидан кейин, бу оят менга нималар ҳақида айтмоқда, деб сўрашга мажбур бўлдилар. Ана шундай савол ўртага чиқишидан бошлаб эса, уларга жавоблар ва уларни изоҳлашлар бошланди.

Тарихий хатолар эса, ҳар бир кишининг ўз тушунаси ва изоҳи Ислом

маъносидаги қараши натижасида ўртага чиқди. “Ислом, ягона ҳақиқат бўлгани учун, унинг изоҳи ҳам ягона бўлиши” табиийдир ва уни меники дейдиган ҳар қандай киши, ўз тушунчасини Ислом деб қараган ва бошқа қарашларни дин доирасидан ташқарида деб билганлар. Ваҳоланки, ўз тушунчаларини динга тенглаштирганлар, фарқига бориб ёки бормасдан ўзларини диннинг эгаси каби ҳис этишдек ўта катта гуноҳга йўл кўйдилар. Диннинг соҳиби эса фақат ва фақат Аллоҳу таоло ва динни тушунтирадиган китоб Қуръони карим бўлганидан, уни тушунтириш учун сўзланган фарқли ҳар бир калима, мусулмонларнинг Исломдан тушунганларидир холос.

Қисқаси, “Ислом замонамиз дунёсига қандай аралашади?” деб сўраш билан биз, “Мусулмонлар бугунги дунёвий ишларга қандай аралашади?” деган бўлаимиз. Мазкур мақола эса, муаллифнинг дунёвий ишларга “Мусулмонларнинг қандай аралашушлари” ҳақида ўз тушунчаларини баён қилади. Исломни тушунишга бўлган уринишлар умумий фикр(ақл)ларнинг бирлиги, уйғунлиги шаклида қаралгандагина тўғри натижаларга эришиш мумкин бўлганидан, биз ҳам ақл бовар қиладиган даражада бу масалани кун тартибига келтириш ва бу ҳақда тушунчаларимизни мусулмонлар диққатига ҳавола қилишни истадик.

“Аралашиш” ҳақида баъзи асосий мулоҳазалар

Аллоҳу таоло, имтиҳон учун яхши ҳам бўлса, ёмон ҳам бўлса, инсон ўғилларини (одамзотни) танлаган ва яратгандир. Бироқ кишилардан кимлардир бу буюк неъматнинг қийматини қадрига етмасдан кибрланадилар. Қобилият ва имконларини ўз манфаатлари учун қўлланишга ҳаракат қилдилар. Бир тарафдан кучи етадиганларнинг барчасини ўз манфаатлари қулига айлантиришга уринса, бошқа тарафдан манфаатига тўсиқ бўладиганларни, улар ҳар қанча қимматга тушишига қарамасдан йўлидан олиб ташлашга ҳаракат қилади.

Кибрли, кибр билан адашганларнинг олдидаги энг буюк тўсиқ, одамзотнинг адолат туйғусидир. Адолат излаган ва ҳақсизликларга қарши турадиган кишилар, улага ҳеч ёқмайдилар. Адолат фикрини уйғотадиган ғоя ва тушунчаларга эса, улар ҳеч ҳам яқинлашмайдилар, аксинча ундайларни йўқотишга, жим қилишга уринадилар. Ислом эса, адолат туйғусини ҳаракатга келтириш ва виждонларни уйғотиши учун дунёга юборилгандир. Шунинг учун манфаатпарастлар Исломни ҳеч ёқтирмайдилар.

Динлари ўзларига берган масъулиятни ҳис этиб, ер юзида

адолатни ўрнатиш ва ҳушахлоқни тарқатиш учун ҳаракатга киришган мусулмонлар, ўзларини чекиниб бўлмас бир олишиш ичида кўрдилар. Масъулият(иддао)ларини ҳақиқатга айлантиришлари учун узоқ муддатли курашни зиммаларига олиши зарур бўлди. Яъни мавжуд системаларга, ҳақсизлик ва адолатсизликни тарқатиб турган жамият ва жамоаларга аралашмасдан, ўзларини кўрсата олмас ва масъулиятларини бажара олмасдилар.

Қисқаси, мусулмонлар, тузатиш, ислоҳ этиш ва ободончиликларни амалга ошириш каби ишларни бажаришдан олдин, бузғунчилар билан қизиқиш ва уларнинг ишларидан хабардор бўлишлари зарур бўлаётганди. Бутун даврлар давомида ва бутун ер жуғрофиясида қўлланиши мумкин бўлган бир турғун усул билан ҳаётий иддаоларни ҳақиқатга айлантириш учун меҳнат қиладиган мусулмонларга Ислом, ҳеч бир шаклда тўсиқ бўлмагандир. Бироқ, бирор турғун усул ўрнатмаган дейилиши, бу масалада чегараловчи ҳеч қанақа шартлар ҳам йўқ деганини билдирмайди. Чекловчи қуроллар қўйилмагандир, аммо ашённинг, инсоннинг ва жамоаларнинг табиийлигини хотирлатадиган усул ёрдамида ақлнинг, виждоннинг ва ўрганишнинг олдини очик қолдиргандир. Ислом, бошқаришларини ва тавсияларини ана ўшандай шаклда ўртага қўяди. Масалан, “тадриж – аста-секин” (Исро сураси, 17/106) тушунчасини қўллайди. Бу билан Қуръони каримга кўра, ташкиллаштирилган бир ҳаётий тарзнинг бирданга жорий қилиниши эмас, аста-секин, қадамма-қадам ўртага чиқиши тушунтирилади. Дарҳол, тезда натижага эришишга уринмайди ва бунда зўрлик ва мажбурий усул(метод)лар қўлламасликни тавсия қилади. Қуръони каримда (Раъд-13, оят-11) “**Аниқки, то бирон қавм ўзларини ўзгартирмаганларича Оллоҳ уларнинг аҳволини ўзгартирмас**” дейилиб, қавмларнинг асосдан, илдизидан ўзгариб боришлари тушунтирилади. Бақара сурасининг 233-оятни қарамасида эса, “**Ҳеч кимга тоқатидам ташқари нарса тақлиф қилинмайди**”, дейилиб, Оллоҳу таоло мусулмонларнинг курашида шошмасликларини кўрсатади ва мусулмонларнинг ният ва самимиятлари аҳамиятли эканлигини билдирди.

Ана шундай тарз мисолларини яна келтиравериш мумкин. Масалага диққат қилинса, ашённинг, инсоннинг ва жамоанинг табиийлигини хотирлатиш билан қилинган тавсиялар ҳам қоида ўрнатадиган аниқликда эмас.

(Давоми келгауси сонда)

ЁШЛАРГА МАКТУБ



Америкада терроризмда айбланиб, ҳибсга олинган Ўзбекистонлик мухожир Жамшид Мухторовнинг бундан 6 йил аввал “Хизбу-таҳрир” аъзоси эканлиги маълум бўлди. У муҳолифат лидери Мухаммад Солиҳга Қирғизистондан хат ёзиб, у ердаги “Хизбчи”ларнинг муҳолифат ва Мухаммад Солиҳ ҳақида “кофир” деяётганини ва бунга муносабатларини сўраган. Қуйида Мухаммад Солиҳнинг Ж.Мухторовга ёзган мактубини эълон қилиш билан, мактубда тилга олинган мавзунинг бугун ҳам долзарб эканлигига яна бир бор урғу бермоқчи бўлдик.

ЁШЛАРГА МАКТУБ

(Электрон почтадан келган бир мактубга жавоб)

Азиз укамиз Жамшидбек, мактубингиз учун ташаккур. Сиз мусулмон жамоасидан эканингизни ёзибсиз ва атрофингиздагилар каминани “американинг одами” деяётганини билдирибсиз. “Хизб ут Таҳрир” ташкилоти аъзолари бизнинг куфр йўлида эканлигимиз ҳақида ташвиқот юритаётганини ёзибсиз. Жиход ҳақида фикримни сўрабсиз. Ҳокимиятга келсак, халқ референдумда Халифат истаса бунга қандай қарайсиз, деб сўрабсиз. Бу мавзуларга қисқа жавоб бераман.

Каминани Совет даврида “Москва одами” қилиш учун йилларча ҳаракат қилишди, коммунист партиясига олиш учун аввал яхши сўз билан, сўнгра таҳдид билан ундалдилар, аммо эплаёлмадилар. Мен бир Туркистонлик ўзбек мусулмони ўларок қолмоқ истадим ва, Яратганга шукр, мени шундай қолдирди. Оллоҳнинг изни ила мен яна у яратган қолипда – унга қуллик қилиш учун энг қулай қолипда – қолишни умид этмакдаман. Фитратимдаги бу қатъий чизгини

руслар каби америкаликлар ҳам билганлари учун, каминани ўз одами қилиш учун уринаётганлари йўқ.

Албаттаки, биз билан кўришмоқ истаган ҳар ким билан кўришамиз ва муаммоларни тортишамиз. Аммо бизнинг Хизбчилардан фарқимиз шуки, бизнинг фикримизга кўшилмаган ҳар кимни кофир эълон этишдан кўрқамиз, чунки мусулмоннинг ҳақиқий мусулмон эканлиги ёки йўқлигини фақат Оллоҳ таоло белгилай олишини биламиз. Ва яна Унинг ғазабидан кўрққанимиз учун тухмат қилиб қўймайлик дея, бу мавзуларда тилимизни тийишга ҳаракат қиламиз.

Бизни кофир дейдиганларнинг ёрдамига асло мухтож эмасмиз, биз, аввало, Оллоҳ, сўнгра унинг халқ этгани суюкли халқимизнинг ёрдамига мухтожмиз. Халифат эртаги билан халқимизни алдаб юрганларга ачинаман.

Алданган тоза ниятли ва шаффоф қалбли ёш биродарларимнинг беҳуда кетган вақт ва меҳнатларига ачинаман. Уларнинг турмада қийноқларга тобе тутилаётганига изтироб чекаман. Бу ёшларнинг ҳар бири битта муслимонга Куръон ўқишни ўргатса, хайрли иш қилган бўлардилар. Афсус.

Албатта, улар ўзларининг тоза ниятлари учун афу этилар иншоллоҳ, аммо уларнинг софлигидан фойдаланиб, уларнинг белига бомба боғлаб, ўз-ўзини ўлдиришнинг жиход эканини ўргатаётган жоҳиллар ҳам бу қилган жиноятларига жавоб беришига шубҳамиз йўқ.

Чунки, Исломда ўз жонига қасд қилиш катта гуноҳдир.

Ўз жонига қасд қилибгина қолмай, бу портлатган бомбалари билан сиёсатга мутлақо алоқаси бўлмаган бегуноҳ ва маъсум инсонларни қатл этиш иккинчи бир жиноятдир.

Бу – муқаддас динимиз Исломга душманликдир, уни дунёга ёмон кўрсатишдир, демак бу – яна бир қарра жиноятдир. Хизбчиларга бу сўзларимни айнан етказишингиз мумкин, сиёсатчи эмас, бир мусулмон биродарининг сўзи сифатида етказинг лутфан.

Ўз жонига қасд қилишнинг гуноҳ эканлигига ҳадиси шарифдан бир хужжат: Пайғамбаримиз

(САВ) бир жангда қаҳрамонлик кўрсатган бир аскарни “бу киши жаҳаннамлик” деганларида, саҳобалар бунинг сабабини сўрайдилар, Пайғамбаримиз (САВ) “уни кузатинглар, сабабини ўрганасизлар”, дея жавоб берадилар. Кузатишганида бу аскар қаҳрамонларча жанг қилади, аммо олган жароҳатлари оғриғига чидай олмай ўз-ўзини ўлдиради. Ва шу боис аскарни бутун қаҳрамонликларига қарамай, жаҳаннамга тушишини башорат қилганди 18 минг олам сарвари Пайғамбаримиз.

Бугунги жиходчилар эса бир эмас, бирданига икки жиноят қилмоқдалар, ўзини ўлдирад экан, атрофдаги бегуноҳ инсонларни ҳам ўлдирмоқда, ўз биродари бўлмиш мусулмонларни ҳам қатл этмоқда.

Бу жиноятни жиход, деб аҳли исломни йўлдан ураётганларнинг баҳонаси шу: “Фаластинлик мусулмонларни яҳудийлар ўлдираяпти, уларга қарши қўлимизда бошқа қуролимиз бўлмаса, нима қилайлик?” дейишади. Биз деймизки, сен ҳам қўлингга қурол ол ва уларга қарши машру услуб билан, ислом ҳаром қилмаган услуб билан кураш, исломнинг таъқиқлаган йўлига кирма!

Сенинг сиёсатингни билмаган, на яҳудий ва на-да американи танимаган маъсум инсонларнинг нима гуноҳи бор, нега уларни ўлдирасан?

Нега бир муслимонни ўз жонига қасд қилишга, жиноятга ундайсан?

Ислом бегуноҳ инсонларни – у яҳудийми, кофирми, бундан қатъий назар, ўлдиришни қатъиян тақиқлагандир. Хизбутчиларнинг яна бир хусусияти, Араб миллиятчилигини Марказий Осиёда ёймоқ истагидир.

Булар Араб миллиятчилигини Умнатчилик билан никоблайдилар. Масалан, улар қурмоқчи бўлган давлатда расмий тил Араб тили бўлар эмиш. Яъни улардан бошқа ўз миллатини айтса, бу дарҳол қавмчилик ҳисоблайдилар, лекин ўзлари Араб миллатининг устунлигини ҳар қадамда сездиришни қавмчилик ҳисобламайдилар. Қавмчилик ирқчиликнинг кўринишидир.

(Давоми кейинги бетда)

ЁШЛАРГА МАКТУБ

(Давомини боши олдинги бетда)

Аммо бир қишлоқлик муслимон – Ўзбек йигити Ҳизбга кирган захоти Каримовнинг қатл этаётгани ўз қариндошларини эмас, Фаластиндаги зулм ҳақида сизга нутқ ўқийди.

Албатта, биз Фаластиндаги биродарларимизни ҳам ўйлашимиз керак, аммо нега бу ўз онамизни унутиш эвазига бўлиши керак?

Агар икки хотин сувда чўкаётган бўлса, улардан бири сизнинг хурмат қилган бир қўшнингиз, иккинчиси онангиз бўлса, сиз биринчи бўлиб кимни қутқарган бўлардингиз? Албатта, онангизни қутқарардингиз ва буни ҳеч ким қавмчиликка йўймаган бўларди.

Мустабид Каримов 15 йилдан бери Ўзбек мусулмонларига шафқатсиз зулм ўтказмоқда, айтишчи, қайси мусулмон ўлкаси бунга қарши сас чиқарди? Қайси исломий сиёсий партия Ўзбекистонни Фаластин билан тенг қўйди?

Ҳизбчилар ўз партияларининг аъзолари сонини кўпайтириш учунгина қамалган Ўзбек аъзолари ҳимоясини қилишди. Улар мўътадил мусулмонлар, бошқа масхабдан бўлган мусулманлар, ҳатто баъзи тариқат аъзоларини ҳам кофир, дея миш-миш тарқатмоқдалар. Ва ўзлари билмаган ҳолда буюк гуноҳга ботадилар.

Агар Ҳизб раҳномалари нифок ичида бўлмасалар, бу саволларга жавоб берсинлар аввал.

Бошқа бир хусус: Ҳар қандай миллатга айна хурматни кўрсатишимиз керак. Араб миллати ҳам биз учун азиз миллатдир, чунки уни ҳам бизнинг Раббимиз яратди. Бу миллат икки қарра азиздир, чунки Оллоҳнинг сўнгги Расули ўша миллатдандир. Аммо Раббим мени ҳам муайян бир қавмга мансуб яратди. Бу қавм Туркий қавмдир. Нега мен буни рад қилишим керак? Мусулмон учун фақат Уммат бор, Миллат йўқ, – деганлар Қуръони Каримдаги Оллоҳу таолонинг “Бир-бирингизни танишларингиз учун сизларни қавм-қавм қилиб яратдик”, деган ояти каримасини рад этганлардир.

Миллатни миллиятчилар эмас, Оллоҳу таоло яратди. Миллатни тан олмаганлар Оллоҳнинг муқаддас китобидаги келтирганимиз

юқоридаги оятни танимаганлардир.

Миллиятчи демак ўз миллатини севиш дея тушунилиши керак. Аммо ўз миллатини бошқа бир миллатдан устун қўйиш бу – ирқчилик! Бунга исломда йўл йўқ.

Пайғамбаримиз инсоннинг ижтимоий, миллий келиб чиқиши Оллоҳ наздида ҳеч бир аҳамияти йўқлигини, инсон зоти фақат тақвosi билан азиз эканлигини билдирганлар. Демак, мусулмон ирқчи бўлишга ҳаққи йўқ. Ҳатто кофирларга қарши ҳам! Уларнинг кофирлиги ва бизнинг миллатдан бўлмагани учун азият бериш исломда таъқиқлангандир.

Оллоҳ бизга иқтидорни ёзган бўлса, биз мусулмон биродарларимизнинг бутун олинган ҳуқуқларини янгидан иншо этамиз, иншооллоҳ. Мазлумлар ўз ҳақларини қозонажаклар, зolimлар ҳам лойиқ бўлган муқофотини олиши муқаррардир. Бош мавзуга қайтсак, террор ғайриисломийдир. Чунки террорда ахлоқ йўқ. Ислом эса ахлоқнинг ўзидир. Биз иқтидорга келсак, халифат эмас, тамали Юксак Ахлоққа таянган, одил ҳуқуққа асосланган, диний ва миллий анъаналарни кадрлайдиган, ҳамма миллатларга тенг қарайдиган бир давлат, хур инсонларнинг давлатини курамиз, насиб этса.

Халифат ҳақида референдумда бу хаёл тарафдорлари юзда 1 фойиз ҳам овоз олаолмайди, чунки Туркистон халқи динда Пайғамбаримиз буюрган Ўрта Йўлни тутиб, юришда давом этмақдандир.

Исломнинг энг ноёб олимлари Туркистондан чиққандир. Фихҳда ҳам, тасавуфда ҳам дунё мусулмонлари ўзларининг диний фаолиятларида Туркистонлик олимларнинг қарашлари билан ҳисоблашадилар. Шундай экан, асрлар давомида бўлганидек, Туркистон мусулмонларининг муаллими Оллоҳнинг китоби Қуръони Карим ва Пайғамбаримизнинг муборак суннатларидир. Ғайри муаллимларга эҳтиёжимиз йўқдир.

Мухаммад Солиҳ
06.05.2006

“Мухаммад Солиҳ,
Публицистика” китобидан

“АНТИТЕРРОР” МАШҒУЛОТЛАРИДАН ТОШКЕНТЛИКЛАР ҚЎРҚУВДА

Тошкентнинг Лисунова-1 мавзеида 25 феврал куни бўлиб ўтган, гаровга олиш билан боғлиқ антитеррор машғулотларидан, унда иштирок этган маҳаллий фуқаролар қўрқувда.

25 феврал куни эрталабда №149 мактаб атрофида воқеалар содир бўла бошлади: камуфляж кийган, автомат кўтарган одамлар мавзе атрофидагиларни ҳудуддан ва мактаб атрофидан нарига кува бошлашди.

Ўз уйларидан чиқа олмаганлар, ўша ерда қолиш ҳақида буйруқ олишди. Айна пайтда отишма ва гранаталар портлагани эштилди. Фуқаролардан бирининг

айтишича, унинг подъездни қўриқлаётган қуролли шахс, машғулот бўлаётгани ва унинг кўчага чиқишига руҳсат йўқлигини билдирган.

Воқеани деразадан кузатаётганлар учун, гўё ҳарбийлар, мактаб биносига гаровга олинганларни озод қилишга уринишаётгандай туюлган, террорчиларнинг кимларнидир гаровга олганлари ҳақида миш-мишларнинг тарқалишига сабаб бўлган. Бу гап сўзлар шанба куни кечга довуру янги янада фожеали тафсилотларга бой тарзда тарқалган. Қурбонлар сони тўртта эканини айтишган, якшанба кунига келиб, 149 мактаб атрофи тинчигач, “махсус амалиётлар” шарофати билан қурбонлар сони бештага ортганини гапира бошлашган.

“Аввалига биз ҳаммамиз, мактабда гаровдагилар бор, ҳарбийлар уларни озод қилишмоқчи, ёки йўқ қилишмоқчи деб ўйладик. Кейин биз бу машғулотлар эканини англадик — портлаш товушлари, тутун бор, портлашларнинг ўзи эса йўқ”, - дейди мактабга яқин уйлардан бирида яшовчилардан бири.

Душанба куни 149 сонли мактабда яқинда содир бўлган бу воқеалардан асар ҳам қолмади. Узини таништиришни истамаган мактаб маъмурияти вакили, мактабда гаровга олинганлар тўғрисидаги миш-мишларни инкор этди, бироқ антитеррор машғулотлари ўтказилганига оид гумонларни ҳам тасдиқлашни истамади.

«Мактаб одатдаги режимда ишламоқда. Агар кимнидир гаровга олишган бўлишса, биз ҳозир ишламаган бўлардик», - деди у.

ОБИД ҚОРИ НАЗАРОВГА СУИҚАСД ТОШКЕНТДАН БУЮРТМА ҚИЛИНГАНМИ?



Швециядаги Обид қори Назаровга суиқасд Ўзбекистон ҳукумати томонидан уюштирилган, дея ҳисоблайди, муҳолифатдаги "Таянч" ташкилотидagi Муҳаммадсолиҳ Абутов: Кейингиси ким?

Швецияда яшовчи, ўзбек муҳолифатидagi "Таянч" ташкилоти раҳбари Муҳаммадсолиҳ Абутов, таниқли имом Обид қори Назаровга қилинган кечаги суиқасд Ўзбекистон ҳукумати томонидан уюштирилган дея ҳисоблайди.

“Каримов режими ҳар бир душманини жисмоний йўқ қилишни истайди, вассалом”, - дейди Абутов.

Бир неча бор Назаровга, унинг Стромсунддаги уйи олдида, ўқ узган киллер, аллақачон Швеция ҳудудини тарк этган бўлиши мумкин, дея давом қилади Абутов.

Европа иттифокида чегаралар шаффоф, бир мамлакатдан бошқасига ўтиш қийинчилик туғдирмайди, киллер аллақачон Ўзбекистоннинг Европадаги бирор элчихонасига етиб олган бўлса эҳтимол, дея фараз қилади у.

Ўзбекистон ҳукуматининг, ҳорижда яшаётган муҳолифатчиларга осила бошлаганини,

Абутовнинг сўзларига кўра, у 2011 йилнинг майида Ўзбекистон Халқ Ҳаракати (ЎХХ)га уюша бошлаганларида ҳис қилганини айтади.

Энг машҳур хабарнинг бири 2011 йилнинг 24 сентябрида, Россиянинг Иванова шаҳрида ЎХХнинг Россиядаги лидери, Иванова жомеъ масжиди имоми Фуад Рустамхўжаевнинг отиб кетилиши бўлган эди.

У 2011 йилнинг майида ЎХХнинг Берлинда бўлиб ўтган таъсис қурултоида иштирок этган, кейин эса Россияда яшаётган ўзбекларнинг ЎХХ байроғи остида бирлаштиришга интиланган эди. Номаълум қотил унинг уйи подъездда олдида кутиб турган, кейин эса унга қарата олтига ўқ узган, шунинг бири унинг бошига теккан эди.

“Рустамхўжаевнинг қотили ҳамон топилгани йўқ, - дейди Абутов, - мен биламанки, уни ўлдириш, расмий Тошкентдан бошқа ҳеч кимга керак эмас”.

Рустамхўжаевнинг йўқ қилиниши ЎХХга катта йўқотиш келтирди: ҳаракат Россиядаги лидеридан маҳрум бўлди, кейин эса Европада ажралиш бошланди - унинг таркибидан "Андижон - адолат ва тикланиш" ташкилотига мансуб андижонлик қочкинлар чиқишди.

ЎХХнинг айрим аъзолари сўзига кўра, андижонликлар ушбу қотиллик билан кўрқитилди, шу боис муҳолиф уюшмани, бирмунча вақт ўтиб, ўз ташкилотларидаги "Андижон" номини ҳам тарк этишди, эндиликда бу ташкилот “Адолат ва тикланиш” дея атала бошланди.

Муҳаммадсолиҳ Абутовнинг ўзи эса, ўзбек кучишлатарлари томонидан назорат қилинувчи "Пресс уз.инфо" сайтининг муттасил ҳужумлари ва ҳақоратларига дуч келмоқда, ушбу сайтда у Термездаги немис ҳарбий базасини портлатмоқчи бўлган диний экстремист террорчи дея таърифланади.

11 февралда эълон қилинган Абутовга қарши ёзилган сўнги бўҳтонлардан бирида, одатдаги ҳақоратлардан ташқари, очикдан очик таҳдид бор.

“Дунё тор. "Муқаддаслардан муқаддас" бўлган ўз ватанларига хиёнат қилган бу яримодам, яримхайвонлар қаерда бўлишмасин адолатли жазосини олишлари муқаррар...”, - дея ёзади “Пресс-уз.инфо”.

Ушбу сайт ўшлик журналист Алишер Соипов ҳақида ҳам, 2007 йилнинг 24 октябрида ўлдириши олдида чоп этилган шу услубдаги мақолалари билан танилган эди.

Соипов Ўшдаги гавжум кўчаларнинг бирида отиб кетилган, қотил эса яширинганди. Соиповнинг ҳамкасблари ва оиласи, унинг Ўзбекистон ҳукумати буюртмаси билан ўлдирилганига ишончлари комил, бу режимни у доим қоралаб келган эди.

Муҳаммадсолиҳ Абутов, швед полициячилари билан учрашгани ва уларга мавжуд таҳдидлар ҳақида билдирганини айтади. Энди эса у шведларни ўзбек муҳолифатчилари ҳавфсизлиги ҳақида жиддий ўйлашга чақирмоқчи эканлигини билдиради.

ОБИДХОН ҚОРИ НАЗАРОВГА СУЪИҚАСД ҚИЛИНГАНИНИ ЭШИТИБ...

Швецияда дўстим Обидхон қори Назаровга суъиқасд қилинганини эшитиб...
Оллоҳ шифо берсин!


Қотил яна қотиллик қилди,
Ёвузлигин қўллади такрор.
Ўқ захмидан поклик йиқилди,
Софлик наҳот доим беозор...

Наҳот ҳамон ёвузлик устун,
Наҳот доим адолат- мағлуб...
Қотил- мағрур. Эзгулик- маҳзун,
Наҳот олам- шунга муносиб.

Аслинг кимдир- барчага аён,
Ўз элига ўқ узган разил-
Сенда йўқдир тафаккур, иймон,
Нафс йўлида арзонбаҳо қул...

Сен ёвузлик ахтариб ҳалак,
Софлик бағрин олибсан нишон...
Талвасага тушибсан, демак,-
Талвасадан топмайсан омон!

Гуноҳ бўлса покликка даъват,
Гуноҳ бўлса софлик ҳам агар-
Демак яқин қолибди муҳлат,
Қасос қайтар. Интиқом қайтар!



Ёдгор Обид.

АНДИЖОНДА УЙЛАР БУЗИЛИБ АҲОЛИ КЎЧАГА УЛОҚТИРИЛАЯПДИ



“Андижонда одамлар дод дейишяпди” дея хабар беради Андижонлик хабарчимиз.

Уни айтишича Оқёрда уйлар бузилиб эгаларига бир сўм пул бермасдан, қуруқ даладан ер беришяпди.

Андижон Асака йўли кўчаси Қўш ариқ даҳасидан Кўккўприккача йўл бўйидаги уйлар бузала бошлаган ва аҳоли бошидан охиригача уйларидан кўчирилган.

Сабаби, улар яшаётган уйларни ичкари тарафидан коттежлар қурила бошланган. Ва шу сабабли коттежлар олдидаги уйлар бузила бошлаган.

Бузилган уйлардаги аҳоли қаровсиз ётган болалар боғчасига кўчирилган.

Кўккўприкда бир қаровсиз умумий тарар жой биносига қариндоши йўқ фуқаролар кўчирилган.

Бу одамларга давлат тарафидан бузилган уйларни пули тўланмаган. Ва Шаҳар маъмурлари тарафидан уларга ўша боғчада ва бошқа ерларда ётиб, қишгача янги уй қуриб чиқиб кетиш буюрилган. Уйлари учун пул сўраган одамлар давлатга хоинлик қилишда айбланыпди деб хабар беради Андижонлик хабарчимиз.

Бу каби навбатдаги ноҳақлик шаҳарлик фуқароларни жиддий норозилигига сабаб бўлмоқда.

ЎХХ матбуот бўлими.

ЯРАТИЛГАН ТАБИАТНИ МЕЗОНИНИ САҚЛАШ ҲАҚИДА



”Денгизи қуриган халқ” деб ўтиргандан кўра, ”шўри қуриган халқ” деб кўя қолган маъкул эмасми? Халқнинг ”қуриган шўри” денгизнинг шўр сувидан кўра кенгроқ ва чуқурроқ мазмун касб этади, яъний, ”шўр”нинг Орол денгизи эгаллаган худуддан анча катгароқ маконда ётганига ишора қилади.

Шундай бўлмаганида эди, ҳар ўтган-кетган бу халқни бир тепиб ўтмаган бўларди. Яқинда Норвегиянинг НРК-2 телевизион канали орқали Орол денгизининг қуриб битаётганига оид бир хужжатли филм намойиш этилди. Филмда айтилишича, Орол денгизи келажак 14 йил ичида бутунлай қуриб йўқ бўлади. Филмда Орол фожеаси – рус-совет колониализмининг ваҳшиёна сиёсати натижаси эканлиги таъкидланади. Орол бўйида яшовчи аҳолининг оддий вакиллари, илгари балиқчилик билан шуғулланган кишилар қатори филмда совет даврида Балиқчилик министри лавозимида ишлаган рус миллатига мансуб бир киши ҳам бу экологик фожеага ўз муносабатини билдириб. интервью берган. Агар шу одамнинг интервьюси бўлмаганда эди, бу гапларни ёзиб ўтирмасдим, зеро, Орол ҳақида керагидан ортиқ гапирилди-ки, амал билан боғланмаган бу сафсатабозликлар Орол фожеасини чакана бир мелодрамага айлантириб қўйди; шу қадар кўп гапирилдики, ҳеч ким бу фожеали воқеликни жиддий қабул қилмай қўйди. Хуллас, бу филмдаги муносабат билдиришга арзийдиган ягона жихат рус шовинистининг гапидир, бу шовинист эса, Орол ҳалокатига сабаб бўлган асосий омилини бу ерда яшаётган халқнинг қўй мижозлиги, аниқроғи, балиқ мижозлиги билан изохлаб, шундай деди: ”Бу ердаги халқ ҳамма нарсага кўниб, балиқ каби жим туравергани туфайли шундай аҳволгача етиб келинди”. Бу – рус шовинистларининг аъъанавий мушоҳада юритиш услубида айтилган бир гапдир. Бу гап худди советлар даврида ўзбекларга пахтаги кўшиб ёзишга мажбур қилиб, сўнгра бунинг учун яна уларнинг ўзини айблалаганлари ва бутун Совет империясига донғи кетган ”ўзбеклар иши” кампаниясини

уюштирганлари сингари, ва шунингдек, ўзбек халқи маънавияти учун ҳалокатли бўлган ва ўзбек халқи қабул қилишни истамаган худосизлик, ароқхўрлик, фохишабозлик “маданияти”ни халққа сингдириб, сўнгра ”биз сизга маданият олиб келдик”, дея писанда қилганлари сингари бир гапдир.

Русча мушоҳада юритиш аъъанасига кўра, русларга ишониб уларнинг ортидан эргашган халқ – ”қўй”, ёки ”балик”, уларга ишонмай исён қилган халқ эса, ”босмачи” ёки ”қаллақсар”, улардан мустақил бўлган халқлар эса, ”душман” ёки жуда бўлмаганда, ”рақиб” деб қабул қилинади. Руслар ўз иддаоларини худди бир момоқалдирос ва ёки шамол сингари табиий ва ҳаққоний деб, бошқаларнинг бу иддаоларига қарши чиқишларини эса, “овсарларнинг об-ҳавога қарши чиқишлари” сифатида қабул қиладилар. Бу жихатдан, яъний, ”табиийлик” жихатдан русларга тенг келадиган бир халқ топилмас керак – улар ўз иддаоларида худди узок Сибир ўрмонларида тентираб юрган қўнғир айиқ сингари самимий ва табиийдирлар.

Айиқдан хафа бўлиш майдакашликдай туюлиши мумкин, аммо гап шундаки, бу айиқ гапирувчи, устига-устак инсонларга таънадашном берувчи ва ҳатто пайт пойлаб, уларнинг ерларини ишғол этиш учун ҳозир бўлган бир айиқдир, модомики, шундай экан, унга жавоб бериш ҳам у қадар бемаънилик бўлмаса керак, деб ўйлаймиз... Табиатнинг бундай “масъум” жонзотларига жавоб бериб туриш лозим, негаки, халқимизнинг яна юксалишига умидимиз бор, халқимизнинг умри Орол умридан узокроқ бўлишини Аллоҳдан тилаймиз. Халқимизнинг денгизи қуриди, аммо унинг “шўри қуриди”, дейишга тилимиз бормасин.

Мақсуд Бекжон, ЎХХ Норвегия бўлими раиси

ШҲТ ФАҚАТ АВТОРИТАР РЕЖИМЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛАЯПТИ



Маълумки, 1996 йил Шанхайда ташкил топган ШҲТга Тошкент 2000 йилга келиб аъзо бўлди. Тошкент ташкилотдаги 6 аъзо эди. (бу ерда ШҲТ расмий сайтини линки берилган. <http://www.sectso.org/>) ШҲТ ни Минтақавий терроризмга қарши кураш бўлими штаби 2003 йил Бишкекдан Тошкентга кўчирилган. (РАТС) Региональной антитеррористической структуры) ШҲТ нинг бу бўлимининг вазифаси аъзо мамлакатларни ҳудудда улар террорист ёки экстремист деб ҳисоблайдиган шахслар ёки ташкилотларни ушлашда бир бирига ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг Минтақавий терроризмга қарши кураш совети 2008 йилда тасдиқлаган тутиш, камаш ёки йўқ қилиш керак бўлган экстремист шахслар номлари ёзилган рўйхатда ШҲТга аъзо давлатларнинг фуқароларидан иборат бўлган 900 кишининг исми келтирилган. Табиийки, бу ҳужжат пресс юзини кўрмайди. Ва у ерда номлари келтирилган кишилар кимлигини аниқлаш имконсиздир. Аммо, буни ичида Хитой томони уйғурларни, Россия чеченларни, Қозоғистон баъзи муҳолиф фикрдаги сиёсий ва диний сабабли қочиб юрган фуқароларини, Тожикистон ҳам Маҳмуд Худойбердига ўхшаган қочок полковник ва диний муҳолифларини, Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳам энг кўп ҳам диний ва ҳам сиёсий муҳолифларини исми фамилиясини берган бўлишини тахмин қилишимиз мумкин. Бу каби рўйхат ҳар йили янгиланиб туришини ва унга ҳар йили янги янги исмлар қўшилишини ҳисобга олсак, бугунги кунда бу каби рўйхатда аъзо давлатлар ўзлари экстремист деб ҳисоблаган минглаб фуқароларни киритган бўлиши шубҳасиз. Мазкур қурилма қайсидир маънода интерпол вазифасини бажарадиган

ташкилот ҳисобланади. Ва бу каби келишувлар асосида ўтган йиллар йиллар давомида ўша аъзо мамлакатлар ҳудудда қўлга олинган ўнлаб фуқаролар бири бирига қайтариб берилди. Масалан, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон бир неча ўнлаб уйғурларни ушлаб Хитой полициясига топширди. Хитой уларга ўлим жазоси бериб отиб ташлади. Табиийки, Хитойда бу мамлакатларни фуқаролари йўқ. Ва Хитой тарафидан буларга бирор фуқарони ушлаб берилгани маълум эмас. Россия Ўзбекистонга ўнлаб экстремист деб ҳисобланган диний сабабларга кўра қочиб чиққан фуқароларни депорт қилди ва қилмоқда. Ва ҳатто баъзиларини ушлаш пайтида қаршилик кўрсатди деб отиб ташлади ҳам. Қозоғистон ҳам Ўзбекистонга кўп йиллар давомида ўнлаб диний сабабларга кўра қочиб чиққан фуқароларни депорт қилди ва қилмоқда. Буларга 2005 йилда қўлга олинган имом Рухиддин Фахриддинов ва 2008 йили Остонада ушланган Ўзбекистонлик фуқаро Қудрат Аҳмедов ва ўтган йили БМТдан қочоклик макomini олган бўлсада, Ўзбекистонга депорт қилинган 29 та диний қочоқларни ва бошқа ўнлаб мисолларни кўрсатиш мумкин. Уларни ҳаммаси узок йилларга озодликдан маҳрум қилингандир. Қозоғистон ҳам ўтган йиллар давомида бир неча чеченни ушлаб Россияга депорт қилди. Ўзбекистон Россияга ўз ҳудудда бирор фуқаросини ушлаб бергани маълум эмас. Лекин, Тошкент тинмай талаб қилсада, Тожикистонга ҳалигача Маҳмуд Худойбердиев ва уни аскарларини хали бергани йўқ. Ва уни ўзини ҳудудда эканини ҳам тан олмай келаяпти. Тожики тарафи ҳам Ўзбекистон фуқароларини ушлаб Тошкентга бергани маълум эмас. Қирғизистон Тошкентга кўплаб фуқароларни ошқора ва яширин бериб юборгани маълумдир. Тошкент Бишкекга ўз ҳудудда бирорта қирғизни ушлаб бергани маълум эмас. Шу келишув имзолангандан бери ўтган йиллар ичида қанчадан қанча аъзо мамлакатлар фуқаролари ушланиб, уни изловчи томонга топширилди. Ва уларни айблари ҳуқуқий жиҳатдан қанчалик исботланган эди?! Бу ерда ҳар бир аъзо давлат ўз сиёсий ва диний муҳолифларини ҳам “экстремист ва террорист” деб

эълон қилавериши мумкинку?! Масалан, ўзбек режими ўнлаб сиёсий муҳолифларини ва ҳатто, дунё таниган муҳолиф сиёсатчи М. Солиҳни ҳам экстремист деб, интерполга кидирувга берганди. Шу сабабли уни 2001 йилда Прага полицияси қамоққа олганди. Ва бир муддатдан кейин озодликка чиқарди ва Президент Хавес у кишидан кечирим сўраганди. Бу энди Европа давлати бўлган учун шундай бўлди. Аммо, ШҲТга аъзо давлатларда ҳибсга олинган фуқаролар бундай ҳуқуқдан маҳрумдирлар. Улар юқоридаги шартномага мувофиқ ўзбек режимига бариб юборилмоқда. Маълумки, 28 июл 1951 йилги БМТнинг қочоқлар тўғрисидаги Женева келишувига биноан, бирор мамлакатда қўлга олинган қочок шахсга ватанида қийноққа солинишлик, ёки ўлим жазоси беришлик эҳтимоли бўлса, уни ватанига қайтариб юборишлиги мумкин эмасдир. Бу ҳужжатни БМТга аъзо давлатларни барчаси қабул қилган. Ва БМТ қочоқлар комиссариёти ҳалигача ана шу ҳужжат асосида фаолият юритади. Хуллас, ШҲТ ташкил топганидан бери асосан Хитой коммунистик режими ва Ўзбек диктатори манфаатига етарлича хизмат қилди. Ва умуман олганда ўша аъзо мамлакатлардан қочган барча диндор қочок фуқароларга халқаро қонунларни бузган ҳолда қатта зарар етказди. Бу ташкилот менимча авторитар режимларни экстремизмга қарши кураш баҳонасида ўз муҳолифларига қарши курашиши учун ўзаро келишиб ташкил этилган ва мавжуд халқаро ҳуқуқ нормативларига ҳилоф бўлган қурилмадир. Бу қурилмани ва шунга ўхшаган КҲШТ (ОДҚБ) фаолияти бугунги кунда Халқаро ҳамжамият томонидан халқаро қонунлар нуктаи назаридан ҳуқуқий баҳоланиши керак. (Агар шундай қонун механизми бўлса, албатта?!). Чунки, КҲШТ ҳарбий блок сифатида танилган ва аъзо давлатларни хавфсизлигини биргалликда ҳимоя қилишга келишиб олингандир. Бунақа қурилмалар мавжуд авторитар режимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳалос. Хусусан, БМТ инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш қўмитаси ёки махсус Халқаро Комиссияси мазкур тузилмаларни фаолиятини қанчалик халқаро қонун меёрларига мос келишини текшириб ўз ҳуқуқий ҳулосаларини беришлари мақсадга мувофиқ бўларди.

М. Абутов. 26 февраль 2012

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Стулларни бир стол устига қўйишарди. Бундан яхшироқ платформа бўлмасди. Кейин созларини қўлига олиб, бир-бирига қараб тўртликлар-ла савол-жавоб бошлардилар. Жавоб қаршисидоғи ошиқ бошлаган вазн ва қофияда берилиши шарт эди. Кейин томошабинларнинг талаби билан Мурод Чўпонўғли жўшарди: Оғом ким, пошам ким, нигор ким? Хизирўғли Мустафо, бег ўғли... Халқ шеърини йилларча ўқиган одамлар эди булар. Радиодан Кўрўғли, Корачаўғлон фольклорини ҳам эшитишарди. Аммо уларни ўз тупроғида эшитиш бошқа нарса эди. Чўпонўғлини, Райхонийни, Шарофни тингларкан Маҳмат эпик даврларга саёҳат этгандай бўларди. Бордис яйловида сўқир бахши Мавлуд Эхсондан тингладан кўшиқлар лиризмининг эт ва суякка бурканган ҳолати эди. Игдирда Шохўғли шох Аббос эртақларини тинглаганди. Домол туманида алавий маданиятининг ўрнақларига қулоқ солганди. Буларнинг ҳаммаси турли хил йўллар билан бугунга етиб келган қадим бўзқир кимлигининг махсуллари эди. Бировлари устига “Али”, бирови “Аббос”ни уртгандилар. Ўғзининг, туркманнинг бу фарзандлари асрлар давомида бир тоғдан иккинчи тоғга сакраб юрганлар. Йигитлик бор эди туркуларида (қўшиқларида) ва ғурбат. “Бир айрилик, бир йўқсиллик, бир ўлим”, дейишарди. Йўқсиллик ва айриликни ўлимга қиёслашарди. Юз йиллар давомида бўлик-бўлик, парчаланиб, бир-биридан айрилдилар. Бунга баъзан душман сабаб бўлса, баъзан ўзларининг бир-бирларига тоқатсизлиги, марҳаматсизлиги сабаб бўлди. Парчаланар экан, кичрайдилар, заифлашди ва йўқсиллашдилар. Янги қишлоқ, яйловга кўчдилар, севгилиларини эски ўтовларда қолдириб... ҳар воқеа бир дoston, ҳар севгили бир турку (қўшиқ) бўлди. Ком (шомон) бахши бўлди, бахши ўзан бўлди, ўзан эса ошиқ (соз чалиб шеър айтадиган шоир) бўлди. Сўйлади дардини юксак тоғлардан ошсин дея. Биров тоғдан ошса иккинчиси яйловда қолиб кетаверди. Ошиқ Карим, Орзу Қамбар юз йилларча бўзқир фарзандининг руҳини тарбиялади... Маҳмат Турғулнинг силуэтини кўз олдида аниқроқ кўришга ҳаракат

ГУЛНОР (роман)

қилди, лекин бўлмади. Ҳолбуки, бу одам билан узун йиллар бирга бўлишганди. Туғрул ҳақиқий ком (шомон) эди. Бир ком каби пишди, қош ва кўз ораси қисқа муддатда бу дунёдан кечди. Бир айрилик, бир йўқсиллик, бир ўлим бор эди. Гўё ҳаёт ҳақиқати шуларда эди холос. Профессор Алпэр ва Ўғуз Маҳматни ҳаво майдонида кутиб олар экан, Маҳмат ҳали учик силуэтларни зехнда жонлантиришга уринар эди. Бакирнинг “қиқир”лаб кулиб, кучоклаши уни хушига келтирди. –Хаяжонланаяпсанми, Ўғуз, – деди Эрйигит хўжа. –Йўқ, хўжам. Фақат сизнинг келганингизга жуда севинаяпман, – деди Ўғуз. Синов тушдан кейин бошланди. Ўғуз иш ерларига хорижий исм қўйган анча-мунча киши балан гаплашиб, турк инсонидоғи ўзига ишончсизлик мавжуд деган бир хулосага келганини билдирди илмий ишида. Бунинг сабабини Туркиянинг дунёда ўзини кўрсатолмагани ва жумҳурият даврининг халққа яхши тушунтирилмаганди, деди Ўғуз. Буни маориф ва хабарлашма воситаси билан тушунтириш мумкин эди. Туркияда на маориф, на-да хабарлашма воситаси бўлган матбуот бу вазифани бажараолмаётганди. Аксинча, бу жабҳада жоҳиллик ҳукм сурарди, халққа тинимсиз тушкунлик кайфиятини синдиришга ҳаракат қиларди матбуот. Бугунги инсонлар на миллий мужодола қаҳрамонларини, на-да жумҳуриятни танирларди. Туркиянинг бирор ерида миллий мужодола музейи йўқ эди. Бу даврлар ҳақида эътиборга молик бадиий асар, роман ҳам йўқ эди. Ёш болаларга аталган чизги филмлар ҳақида гапирмаса ҳам бўларди, деди Ўғуз илмий ишини хулосалар экан. Яхши илмий иш хўжаларни доим мамнун қиларди. Отатурк Университетида докторлик ёқлаган ёш олимлар эмас, уларнинг хўжалари (домлалари) ўларга зиёфат берарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. –Ўзбекистондан хабар борми, хўжам? – деди Ўғуз Эрйигит хўжанинг ёнига келиб. Маҳмат Эрйигит Турк қурултойидан аввал Тошкентда

бўлганини, аммо Анвар Мурод билан Гулнорни кўролмаганини айтди. –Сен Гулнор билан мактублашмадингми? – деди Эрйигит хўжа. –Аввал ёзишиб турдик, кейин, мана икки йилдир-ки, ундан хат олмадим, – деди Ўғуз, – менимча, мактубларим унга етиб бормаяпти. Бугун қувонч уни эди, бу мавзунини шу ерда тўхтатишни маъқул кўришди. Профессор Алпэр қиқирлаб куларди. Маҳмат у билан бирга кулди, бирга утган кунларни эслади. *** “Турк адабиёти” журналининг май ойи сонидоғи Маҳмат учун сюрприз бўлди. Икки ҳафта аввал докторлик синовидан ўтган Ўғуз Думон мақоласини журналда кўриб севинди. Мақола “Бир хаёл” деб аталарди. Ўғуз камтар услуб билан бир “Дам олиш маркази” лойиҳасини таклиф қилганди мақолада. Фақат болаларнинг эмас, катталарнинг ҳам хордик чиқариши мумкин бўлган, Дисней паркига ўхшаган бир парк бўлиши керак эди бу. Ёки давлат ёки хусусий маблағ билан бу “Томоша ўлкаси”ни кўриш мумкин эди. Бу “марказ”да одамларга ўз тарихи ва қаҳрамонларини танитиш мўлжалланганди. Паркда сайр қилган одамлар қаршисидоғи тарихий ва афсонавий воқеалар ва шахслар жонланиши кўзда тутилганди. Бундай жасур ва қиммат лойиҳанинг муаллифи ўз ғоясини уятчан бир услубда ифодалаганди. “Балки, – деб ўйлади Маҳмат, – Ўғузга ҳам ўзига ишонини учун бир туртки лозимдир”. *** У кун Тонгдўғонда катта оломон бор эди. 70-йилларда шаҳид булган мингларча миллиятчи улкучи (идеалист)лар учун ҳозирланган бу маросим жуда аччиқ эди. Тўғрисиўзлиги ва жиддий одамлиги билан одамлар кўнглида тахт қурган Гун Сазок 70-йиллар сўнгида сўлчи (коммунист)лар тарафидан отиб ўлдирилган эди. Тонгдўғонда йиғилиб, қалбидоғи марсияни кўк куббасига йўналтирган оломон ярим миллион кишидан иборат эди. Жебечидан юришни бошлаб, Хаммомўни ва Анқара гар(вокзал)идан ўтиб,

(Давоми кейинги бетда)

ГУЛНОР (роман)

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Тондўғонда тўпланишганди. Маҳмат Эрийгит хотини Гунашхоним билан бирга эди. Маҳмат оломон ичида Салим Бойжонни кўрди. Салим: –Хўжам, бошингиз соғ бўлсин, – деди ва яна сассиз юришда давом этди. Станциядан Тандўғонгача бирга кетишди, аммо бу икки соат юришда икови ҳам чурқ этишмади. Салим Маҳматни, Маҳмат эса Салимни ҳеч унутмаганди. 12 сентябр 1980 йилдан кейин мамлакатда даҳшатли кунлар бошланганди. Мармарисдан Анқарага кетамиз, деб тайёрланаётган Эрийгит оиласи “Лидия” отелида эдилар. Давлат тўнтариши ҳақида хабарни тонгда олишди. Тез Анқарага келдилар. Бошбуғи Алпарслон Туркаш ихтилол (тўнтариш)нинг илк кунларида хунтага таслим бўлишни рад этиб, улкучилар (миллиятчи-идеалист)ни ҳаяжонлантирган эди. Кейин МХПчиларнинг кўпчилик раҳбарлари ҳибсга олинди. Қамалганлар ҳам, озодликда қолганлар ҳам нима бўлаётганини англамагандилар. Йиллар давомида террор ҳаракатлари уюштирган марксистлар ушланиб, турмага ташланаркан, уларга қарши курашган улкучилар ҳам зиндонга ташланиб, кийноққа солина бошлаганди. Ихтилолчилар (хунта)нинг баёнотини ўқиб, Маҳмат қаттиқ асабийлашганди: “Туркия Жумҳурияти давлати сўнг йилларда кўрганингиздек ич ва ташқи душманларнинг таҳқири билан борлигига, режимига ва мустақиллигига қарши фикрий ва жисмоний ҳужумга учради... Давлат кучсиз, ожиз холга келтирилди...” –Бу қанақаси?, – деди Маҳмат, – давлат фикрий ва жисмоний ҳужумга учраган бўлса, давлатни қутқармоқ фуқароларнинг вазифаси эмасми? Истиклол урушида шундай бўлмаганмиди? Маҳмат икки йил ўз касби билан шуғулланмади. Маҳкамаларни тинглади, мақолалар ёзди. Мажозли услуб топди ўзига ва бу услуб билан фикрларини ифода этар, таъкиқ пардасини йиртгарди. Ғолиб Эрдам билан ўтказилган тунги суҳбатлари унинг кўнглига тасалли берарди. Бирга Булбулни ёки Бойбутовни эшитишар,

ўзларини мусиқа тўлкинларига ташлаб, хаёл сўришарди. Маҳмат болалик даврида чиккан журналлар ҳақида Ғолиб Эрдамдан кўп билги оларди. Эрдам кечқурунлари мутлақо учта шоколад билан келарди, иккитасини болаларга, биттасини Гунашхонимга берарди. Кейин “чойимни келтиринг”, дерди. Чойни ичиб “мактуб”ни оларди, кетарди. “Матуб” камоқда ўтирган миллиятчи-улкучиларнинг оилаларига аталиб, тўпланган пул эди. Буни тарқатиш вазифасини Ғолиб Эрдам ўз зиммасига олганди. Ғолиб Эрдам улкучилар наздида бир авлиё эди. Маҳмат Эрийгит учун эса айни пайтда илм қайноғи ва дард ўртоғи эди. Ўша қоронғу йилларда Салимни бир неча марта кўрганди. Ёқимтой, самимий, эътиқодли бир улкучи эди. Айни пайтда унда бизнесменлик қобилияти ҳам бор эди. Зиё Тўғло деган ўртоғи билан бир ширкат кўриб, катта ишлар бошлаб юборганди. Кейинги йилларда Туркменистонда ҳам баъзи иншоот ишлари қилаётганини эшитганди. Яқинда Ўғуз Думоннинг ўша “Хаёл парки” ҳақидаги мақоласини қирқиб, Салимга жўнатганди Маҳмат. Бунга жавобан, Салим шу мавзуда қисқа мактуб юборди: “Хўжам, август охирида “Марти таътил овуди”да бўламиз. Рафиқангиз ва Ўғуз Думон билан бизнинг меҳмонимиз бўлсангиз яхши бўларди”. Ўғуз Маҳмат хўжадан бу хабарни олганда эндигина Татаристондан, Қозондан қайтганди. “Турк учоқлари” ёшларининг Қозонда ўтказилган қурултойида Гулнор билан бирга бўлганди. Тўғриси, Гулнорнинг ҳам бу қурултойга келишини эшитиб, “Турк ўчоқлари” марказига бориб, ўзини Қозонга борадиган ёшлар рўйхатига киритишга эришганди. Қозонда Ўғуз Маҳмат Эрийгитнинг ўғли билан учрашганди. Бу Ўғузга сюрприз бўлди. “Турк ўчоқлари”нинг ёш аъзолари бу қурултойни ташкил қилиб, ажойиб иш бажарган эдилар. Ўғуз у ерларда унутилмас соатлар яшади, Сибирдан, Чувашиядан келган турклар билан суҳбатлашди, уларнинг ранг-баранг қўшиқларини тинглади. Ораларида Олтойдан келган ҳақиқий шомонлар ҳам бор эди. Ва албатта Ўғузнинг энг катта

севинчи Гулнор билан бирга бўлиш эди. Ўрмон ичида қурилган камп икки ёшни абадий бир-бирига боғлаганди. Ўғуз телефонда Эрийгит хўжа таклифига, бир оз иккиланиб бўлса-да, розилик беришга мажбур бўлди. Ўғузнинг бормаслик учун бахонаси Гулнорнинг август охирида Туркияга келаётгани эди. Маҳмат хўжа “уни ҳам олиб кел”, дегани Ўғузни чорасиз қилди. Балки, Мармарис сафари Гулнор учун ҳам гўзал таътил бўлар, деб ўйлади. Мармара денгизининг мовийлиги ва оқшомнинг салқини нафис манзара вужудга келтирганди. Аслида, бунга “манзара” дейиш тўғри бўлмасди. Чунки, фақат муайян макондаги кўриниш эмас, вақтнинг ҳар хил ранг, сас ва ҳарорат даражаси ҳам бу “манзара”нинг парчалари эди. Балки бу бунга манзарадан кўра “ҳолат” сўзи тўғри келарди. Маҳмат ва Гунаш денгиздан чиқиб, кийинишди. Сўнгра Салимнинг вилласидаги кенг балкондаги креслоларга ўтирдилар. Бир оз ўтиб, Ўғуз ва Гулнор ҳам уларга қўшилди. –Яна иккита меҳмон келиши керак, – деди Салим, – ҳозир келиб қолишар. Гунаш билан Маҳмат қаҳва ютимлаб, манзаранинг нафосати тўлкинида сузардилар. Гулнор эса дунёда бундай гўзалликнинг бўлиши мумкин эмаслигини ўйларди... –Мархабо, Салим бей, – деган овоз эшитилди ва балконда ғоят гўзал бир аёл пайдо бўлди. Салим: –Сизга Ойдон хонимни танитай, Ойдон хоним менинг меъморларимдан бири. Америкада меъморлик бўйича илмий иш ёқлади. Бир неча бинода имзоси бор. Аммо Кўҳна Дунёда илк имзосини Ашхободда “Туркменистон” отели лойиҳасига қўйди, – деди. Кейин меҳмонларни Ойдон хонимга танитди. –Мана, сўнгги меҳмонимиз ҳам келди, – деди Салим. –Мархабо, Салим бей, мархабо Маҳмат бей, – деди балконга кирган қотмадан келган киши. –Мархабо Али бей, – деди Салим, – Али Моҳир бейни бизга Махмат хўжа тавсия қилди. Али бей ҳужжатли филмлар оладиган режиссер.

(Давоми келгуси сонда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

Касалликларнинг бошланиши
 Ҳавога аралашган тутунлар, захарли газлар, чанглар, кимёвий моддалар ва тозалашда ишлатиладиган кимёвий моддалар нафас тизими орқали қонга ўтади ва тўқималардаги ҳужайраларни зарарлаб бошлайди.
 Қишлоқ хўжалигида қўлланилган моддаларнинг таркибидаги кимёвий моддалар тупроқ, ер ости сувларига аралашади ва ўсимликлар воситасида ҳайвонларга ўтади.
 Кейин мева, сабзавот ва гўшт билан дастурхонимизга келади, танамиздаги ҳужайраларга кимёвий уруш эълон қилади.
 Яхши чайналмаган, ошқозон ва ичакларда чириб, ачиган овқатлардан ҳосил бўлган қолдиқлар қисман ичаклардаги табиий микроблар томонидан нейтраллаштирилади, қисман қонга аралашади ва қон билан барча тўқималарга етиб боради.
 Тўқималардаги қолдиқлар кўпайган сари, қолдиқлар худди ахлат уюмидаги ахлат ёнганидек ёнишга, газ ишлаб чиқаришга бошлайди.
 Бу жараёндан ҳосил бўлган куйдирувчи моддалар ва газлар тўқималарда оғрик, лўққиллаш, яллиғланиш ва мутациялар пайдо бўлишига сабаб бўлади.
 Ҳосил бўлган бу ёнувчан модда ва газлар тўқималарда оғрик, лўққиллаш, яллиғланиш ва мутация пайдо бўлишига сабаб бўлади.
 Фақат бу ҳолатга қарши иммунитет тизими курашади: ҳароратни юксалтиради, ҳарорат қонни иситади, нафасни, юрак уришларини ва қон айланишини тезлаштиради. Исиган қонда тўқималарни тазолувчи микроблар кўпаяди.
 Махсус вазифали микроблар ва исиган қон захарли модда ва қолдиқларни эритади. Инсон вужуди бодомсимон безларнинг яллиғланиши, балғамли йўтал, бурун оқиши, терлаш, аллергия ва ҳуснбузарлар чиқиши ёрдамида эриган зарарли моддалардан ва қолдиқлардан қутулишга ҳаракат қилади. Бундай реакциялар соғлом иммунитет тизимининг нормал ишлаши ҳисобланади.
 Шундай экан, ҳароратни тушириш, йўталнинг олдини олиш, бурун оқишини тўхтатишга уриниш, антибиотик истеъмол қилиш, бодомсимон безларни олдириш - билимсизлик ва вужудга қарши зулмдир..
 Ҳолбуки, инсон ейиш-ичишини тартибга солса, кўп ва зарарли таомлардан воз кечса, унинг на ҳарорати кўтарилмайди, на бодомсимон безлар шишади ва на аллергияси бўлади.
 Ошқозонда ҳазм тугагандан кейин озиқ моддалар химус шаклида ичакларга тушади. У ерда биринчи ҳазм тугайди, озуқа сингиб, жигарга

иккинчи ҳазмга юборилади.
 Ичакларда табиий равишда яшаётган микроблар ошқозонда ҳазм бўлмайд қолган таом қолдиқларини парчалайди ва тананинг фойдасига ишлаб, витамин, қанд, ҳатто протеин ишлаб чиқаради.
 Махсус вазифали микроблар токсик моддаларни нейтраллаштириб, тез суръатда ташқарига чиқаришга уринади.
 Инсон антибиотик (анти - қарши, био - ҳаёт, яъни ҳаётга қарши) дори истеъмол қилганида, вужуддаги микроблар билан бирга ичакларда яшаётган табиий махсус вазифали микробларни ҳам ўлдиради. Фойдали микроблардан бўшган жойни зарарли микроблар тўлдирди.
 Табиий бўлмаган, яхши чайналмаган, аралаш, бир-бирига зид ёки кўп ейилган таомлар ошқозонда чириб ичакларга тушади. Ичаклардаги тоқ ҳужайралар ва бегона микроблар булардан турли захарлар ишлаб чиқаради. Бу захарлар токсинларни қонга аралаштирмасдан ташқари чиқариб, махсус вазифали ичак тукчаларини чиритади. Тукчаларнинг чириши туфайли тақирлашган ичакларда яралар ҳосил бўлади ва ичаклар мудофаа вазифасини бажара олмай, фойдали моддалар билан бирга зарарли моддаларни ҳам қонга аралаштиради. Бу захарларни тўплаган қон тўғридан-тўғри жигарга ўтади. Жигар бу қоннинг бир қисмини бўйракларга, бир қисмини тозалаб юракка юборади. Юрак келган қонни бутун аъзо ҳужайраларига тақсимлайди.
 Шу билан бирга, қондаги токсин ва қолдиқларнинг миқдори давомли равишда кўп бўлса, жигар уларни тозалай олмай қийналади. Бу ҳолатда жигар уларни ўзида тўплаб, касалланади; ёғланади, қаттайдди, кистлар ҳосил қила бошлайди ва қонни етарлича тозалай олмайдиган ҳолга келади.
 Шундай қилиб, қонда чиқиндилар кўпаяди, холестерол юксалади. Иммунитет тизими оғирлашган қоннинг айланишини тезлаштириш ва чиқиндиларни чиқариб юбориш учун томирларни торайтиришга ва қон босимини кўтаришга мажбур бўлади. Бемор босим туширувчи дори қабул қилганда эса, томирлар мажбуран кенгайиб, қон айланиши секинлашади, ифлос ва оғир қон томирларда айланб, чиқиндиларни томир деворларига ёпиштиради, тўқималарни қирлатиб, қил томирларни тикиб қўяди.
 Қон торайган ва тикилиб қолган томирлардан аъзолар тўқималарига талаб даражасида етиб бормагани сабабли, уларга етарлича озуқа етказиб бера олмайди.
 Ҳужайраларнинг метаболик қолдиқлари торайган ва тикилган

томирлардан ва улар жойлашган аъзодан узоклаша олмайди. Натижада, ҳужайра ва аъзолар оч қолади, фақат қолдиқлар билан овора бўлиб, ўзининг асл вазифаларини қила олмайдиган ҳолга тушади.
 Ҳар бир ҳужайра ва ҳар бир аъзо маълум титрашим (вибрация) билан ишлайди (Аллохни зикр қилади). Бироқ қолдиқларнинг бирикиши билан ўзгарган ҳужайра ва аъзоларнинг титрашим (вибрация) частоталари бузилади (Аллохни зикр қилишини тўхтатади).
 Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Аллохнинг зикрини тўхтатмаган ҳайвонни овчи овлай олмайди”, деганлар.
 Соғлом ҳайвонни на йиртқич, на овчи овлай олмайди. (Илмий тадқиқотлар овланган ҳайвонларнинг барчасини касал ҳайвонлар эканини кўрсатган). Шундай экан, Аллоҳ зикрини тўхтатмаган аъзо ҳам касалланмайди. Асл касаллик битта - нотўғри яшаш тарзи
 Касаллик дейилган ҳодиса - нотўғри яшаш тарзига қарши танамизнинг кўрсатган химоя реакциясидир. Бу реакция юқорида айтганимиздек, ошқозон ва ичаклар фаолиятининг (ҳазмнинг) бузилиши, бодомсимон безларнинг шишиши (ангина) ва жигарда қолдиқларнинг бириктириши билан яқунланади.
 Жигар ўз вазифасини бажара олмас ҳолга келганида, касалнинг табиатига кўра, буйрак, тери, ўпка, бачадон, тухумдон, юрак ва томир касалликлари каби турли касалликлар вужудга келади.
 Бу касалликлар билан бир-бир, алоҳида-алоҳида шуғулланиш, бекор, ҳатто зарарига вақт ўтказишидир. Чунки бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳеч бир касаллик йўқ, уни алоҳида даволаш хатодир.
 Масалан, бронхит ва пневмония ҳодисасини кўриб чиқсак: Инсон узок муддат сақланган сут ва сут қуқуни кўшилган тайёр таомларни, рафиналанган, қўшимчали таомлар, тайёр ичимликларни, мижозга тўғри келмайдиган аралаш таомларни кўп еса, бу таомлар қоннинг РН мувозанатини бузади ва танада қатта миқдорда турли токсик моддалар ишлаб чиқарилишига сабаб бўлади.
 Ҳавога аралашган тутунлар, захарли газлар, чанглар, кир ювиш воситасининг ҳиди нафас тизимини бузиб қонга аралашади. Кўмир, оҳақ, гипс каби моддаларнинг чанглари ўпкаларни тўлдирди. Бундай зарарга қарши иммунитет тизими кишининг иштаҳасини бўғади, ҳароратини кўтаради. Кўтарилган ҳарорат қонни иситади, исиган қон ўпкаларда тўплаган эрийдиган қолдиқларни эритиб бошлайди ва балғамни кўпайтиради.

(Давоми кейинги бетда)

КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Қоннинг исичи ва балғамнинг кўпайиши билан бирга ўпкани ҳимояловчи микроблар кўпаяди. Уларнинг ферментлари исиган қон ёрдамида бронх деворларидан мукус каби органик ва оҳак каби минерал моддаларни қазиб, ола бошлайди. Шу билан ҳарорат тушади, титрок пайдо бўлади.

Бу хаста киши вужудининг титраши кийимларни қокиб, чангдан тозалашга ўхшайди. Бронхлардаги тикилишлардан тушган парчалар титраш ҳаракати билан балғамга аралашади ва йўтал билан ўпкадан чиқади.

Шу билан бирга исиган қон ёрдамида эритилган қолдиқлар терига юборилиб, тер билан ташқарига чиқади. Ҳар титрашда тери устида бириккан токсин миқдори қат-қат ортади ва теридаги тешиқларни ёпади. Иккинчи марта терига келган токсинлар ўз иссиқликлари билан ташқарига чиқа олмайди.

Бадан кейинги токсинларни ёпилган тешиқлардан ўтказиш учун иссиқликни янада орттиришга мажбур бўлади. Демак, касалнинг иссиқлигини тушириш учун қилинадиган энг тўғри даво иссиқлик туширувчи дори истеъмол қилиш эмас, терини ювиш ёки артишдир.

Бадан ювилгандан кейин тоза тери ҳароратни кўтаришга эҳтиёж сезмасдан янги токсик моддаларни чиқаришга тайёр бўлади.

Тери - терлаш ва тошималар билан; ўпкалар - нафас ва йўтал билан; мия - аксириш, бурун қонаши, манқалик бурун очиши, бош ва қулоқ орқаси яралари, қулоқ кири ва яллиғланиши билан; буйрақлар - сийдик билан; ошқозон ва сафро қосаси - қусиш билан;

жигар ва ичаклар - ич кетиши (диарея) билан танадаги заҳарли моддаларни ташқарига чиқаради.

Соч тўкилиши ва тирноқларнинг ўсиб кетиши ҳам токсинларни танадан узоқлаштириш йўлидир.

Бу демак, Аллоҳ барча хатоларимизни сўнгсиз раҳматига олиб, ҳар қадамимизда бир қутилиш йўлини кўрсатиб қўйибди. Аммо кўпчилик Аллоҳнинг лутф қилган раҳматига ҳар одимда исён ва хиёнат билан жавоб беради.

Бу ҳолатдаги беморга ёрдам кўрсатиш учун:

- Беморга мутлоқо бир нарсалар едиришга эмас, 3-4 кун ҳеч нарса едирмасликка ғайрат кўрсатишимиз керак.

- Беморнинг иссиғи 39-40 даражага кўтарилганда ҳам иссиқ туширувчи қабул қилмасдан, аксинча, Аллоҳга шукр қилиш керак. 41 даражага чиққанида ҳам иссиққа сабр қилиш керак, чунки мияда ҳосил бўлган

қолдиқлар фақатгина 40-41 даража билан эриб ташқарига чиқарилади. (“ФК- Конвулсиялар” бўлимига қаранг.) Фақат иссиқлик 39-40 даражага кўтарилганида, касални терлашдан кейин совуққа яқин илиқ сув билан ювиш, унинг бошини совуқ сув ва муз билан муҳофаза қилиш керак.

- Иссиғи чиққан беморга аввал клизма қилиниши керак. Чунки ичаклар тўла бўлса, ичаклардаги барча заҳарлар қонга ўтади ва касалнинг ҳолатини оғирлаштиради. Ичаклар бўш бўлган тақдирда заҳарларни қондан ва аъзолардан тортиб олади.

- Ичаклар бўшаганидан кейин совуққа яқин илиқ сув билан ювинса бўлади. Тана заҳарларни терлаш билан чиқаргани учун касаллик давом этган муддатда ҳар кун камида 1-3 марта (аслида ҳар бир терлашдан кейин) ҳаммомга тушишнинг ёки сиркали ёки лимонли сув билан терини артишнинг катта фойдаси бор.

- Бу 3-4 кун давомида йўтални енгиллатиш, буйрақларни ишлатиш ва муҳофаза қилиш, қонни суюлтириш ва тозалаш учун лимон ёки грейфрут шарбатини илиқ сув билан аралаштириб ичса бўлади. Фақат ичишни хоҳламаган беморга зўрлик билан ичирмаслик керак. Ичишни истамаслик - мия ёки ўпқада фақат қуруқ очлик билан эрийдиган метаболизм қолдиқлари ва тикилишлар мавжудлигининг ишоратидир.

- Қувватлангандан кейин туриб ҳаракат қилиш, юриш керак. Иссиқлик туша бошласа (2 ё 3чи кун), энгса остидан бошлаб белигача 9-11 дона кичик зулук қўйиш, ёки елкалар билан курак суякларни орасидан хожамот қилиш керак бўлади. Умуман олганда, 4-чи кун касаллик тугайди ва киши уни унутади.

Фақат мукамал соғайиш учун 4-чи ёки 5-чи кун беморнинг иштаҳаси очилиши билан ўпкани юмшатиб, тозалайдиган ва йўтални кўпайтирадиган қуйидаги дорилар берилади:

- 3-4 ҳафта бўйи ҳар куни эрталаб 1-3 лимон ёки грейфрут шарбати сув билан ичилади. Оч қолганда тартиб билан қуйидаги дорилар ичилади:

- Асал шарбатига 3-5 саримсоқ ёки 30-50 грамм пиёз суви аралаштирилади ва 2 ҳафта давомида ичилади. Асал шарбати 200 грамм илиқ сувга 1 чой қошиқ тоза асал аралаштирилиб тайёрланади.

- Яшил ясиқ, қоразира, жамбул қизил ёки қора қалампир билан пиширилади ва сузилади. Сузилган ясиқ суви 3 кун давомида ичилади.

- 1 ош қошиғи тоза қовурилган зиғир ёғи, 14 та ўткир таъмли бодом, 3 та аччиқ бодом, бир чой қошиқ кичитки ўти (газанда) уруғи майдаланиб,

иккига бўлинади ва кунда 2 марта асал шарбати билан ичилади. Бу дори йўтални юмшатади, балғамни чиқаради, ўпкаларни тозалайди. 2 ҳафта давомида ичилади.

Ўпкаларни қувватлантириш хусусияти борлиги сабабли, 5-чи кундан бошлаб, 2 ҳафта давомида заъфарон ичилади:

- 1 тутам заъфарон 200 грамм сув билан аралаштирилади ва бир кун қутилгандан кейин сузилади. Бу сувдан 1-2 ош қошиғи кунда 2 марта сув билан ичилади.

Ёки:

- 1 кг тоза анжир (тоза анжир бўлмаса, ўрнига 250-300 грамм табиий қуриган анжир 2 пиёла сув билан намланади ва бир кеча қутиб, қўлланилади) + 3-4 дона долчин пўстлоғи + 2 пиёла сув + 1 пиёла шакар 10-15 дақиқа қайнатилиб, 5-6 соат қутилади. Сўнг ярим кило асал 2 қошиқ майдаланган занжабил кукни билан аралаштирилиб, 2-3 дақиқа паст оловда қайнатилади ва олов ўчирилади. Сўнг иссиқ сув билан аввал намланган 1 қошиқ заъфарон қўшилади, бир кун қутилади, кейин сузилади. Сузилгандан сўнг ҳосил бўлган шаробдан 50 гр олиниб, ялпиз ёки жамбул чойи билан кунда 1-2 марта ичилади, унга қўшиб 1-2 дона анжир еса бўлади.

Эслатма: Эрон заъфаронини ҳинд заъфарони зардчачал билан аралаштирмаслик керак. Эрон заъфарони гул иплари ҳолида ва ранги сабқоразиранга яқин. Зардчачал эса томир ёки қукур ҳолида бўлади ва ранги олтин сариклигида бўлади. 7-чи кундан бошлаб яшил ясиқли дори ўрнига қунига бир марта овқат еса бўлади. Соғайишнинг янада оддий йўли - 7 кун очлик қилиш. Натижаси мукамалдир. (“Очликлар” бўлимига қаранг.)

Касалликка бу шаклда қаралганда, касаллик фойдага айланади: ҳам қон, ҳам барча аъзолар тозаланади. Кўргангиздек, асл касаллик - янглиш озикланиш ва янглиш яшаш тарзидир. Дардни даволайдиган нарса Аллоҳ берган иммунитет тизимидир. Бронхит ва пневмония иммунитет тизими учун бир восита ҳолос. Сабабини ташлаб, восита билан овора бўлиш, Аллоҳ Таолонинг қонунларига қарши курашиш фойдасиз, ҳатто зарарлидир.

Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан

(Давоми келгуси сонда)

“Эркин Юрт” интернет-газетаси
Мустақил манбааларнинг
маълумотларидан фойдаланилди.
Масъул муҳаррир
Қамолитдин Йўлдош